



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 17 » yanvar

№ 24

Toshkent sh.

Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий жихатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 февралдаги ПҚ–4610-сон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 февралдаги ПҚ–5009-сон қарорларига мувофиқ лимон етиштирувчиларни муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизими билан таъминлаш, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки:

а) лимон етиштирадиган қишлоқ хўжалиги ташкилотлари харид қилган муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш қурилмалари харажатларини қоплаш бўйича:

лимон етиштирадиган қишлоқ хўжалиги ташкилотлари харид қилган муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш қурилмалари (кейинги ўринларда – муқобил энергия қурилмаси) қийматининг **30 фоизгача бўлган қисми** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

Жамғарма кенгашининг қишлоқ хўжалиги ташкилотлари – лойиҳа ташаббускорларига муқобил энергия қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун маблағлар ажратиш тўғрисидаги қарори Агентлик ва талабгор (қишлоқ хўжалиги ташкилотлари – лойиҳа ташаббускорлари) ўртасида субсидия ажратиш ҳақидаги шартномани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади ва муқобил энергия қурилмалари қийматининг **30 фоизгача қисми** субсидия сифатида Агентлик томонидан талабгорнинг аризасида кўрсатилган асосий банк ҳисобварағига бир ой муддатда ўтказиб берилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда лимон етиштирадиган қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан харид қилинган муқобил энергия қурилмалари харажатларининг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидияларни назарда тутишга ҳамда белгиланган тартибда Агентликка ўтказиб беришга масъулдир;

б) янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш харажатларини қоплаш бўйича:

янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир сотих учун **300 минг сўмдан** ошмайдиган миқдорда субсидия сифатида қоплаб берилади;

лойиҳа ташаббускорларига янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб беришга субсидия лимонзорлар барпо этиш ишлари яқунланиб, туман ишчи комиссиясининг уларни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тасдиқланган далолатномалари Агентликка тақдим этилгандан сўнг бир ой муддатда ажратилади.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан лимон етиштириш мақсадида иссиқхоналарда қўллаш учун сотиб олинган муқобил энергия қурилмалари қийматининг 30 фоизгача бўлган қисмини Жамғарма маблағлари ҳисобидан бир марта қоплаб бериш тартиби;

талабгорлар томонидан субсидия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни Агентликда ўрганиб чиқиш тартиби ва муддатлари;

Агентлик томонидан беш йил мобайнида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган талабларга риоя этилиши юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби;

б) Янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

лойиҳа ташаббускорлари томонидан субсидия олиш учун Агентликка ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби ва кўриб чиқиш муддатлари;

янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тасдиқлансин.

3. Янги барпо этилган лимонзорларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга мувофиқ қоплаб берилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 6-банди “б” кичик бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“2021 йил ва ундан кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан иссиқхоналарда янги лимонзорларни барпо этиш ва лимон кўчатларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳар бир сотихи учун 300 минг сўм миқдорида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан лимон етиштириш мақсадида иссиқхонани муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) билан иситиш мақсадида харид қилинган қурилмалар қийматининг 30 фоизи миқдорида”.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “17” январдаги 24 -сон қарорига
1-илова

**Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда
муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) қурилмалари
қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) қурилмалари (кейинги ўринларда – муқобил энергия қурилмалари) қийматининг бир қисмини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қишлоқ хўжалиги ташкилотлари – лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа ташкилотлар;

муқобил энергия қурилмаси – табiiй газга нисбатан қайта тикланувчи энергия манбалари – қуёш нури, шамол, сувдан олинадиган электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи қурилма;

талабгорлар – муқобил энергия қурилмаларини сотиб олган ва унинг харажатларининг бир қисми қоплаб берилиши учун мурожаат қилган қишлоқ хўжалиги ташкилотлари;

субсидия – талабгорлар томонидан лимон етиштириладиган иссиқхоналар учун хорижий давлатлардан ёки маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган муқобил энергия қурилмалари қийматининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб бериладиган қисми.

3. Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан лимон етиштириш мақсадида иссиқхоналарда қўллаш учун сотиб олинган муқобил энергия қурилмалари қийматининг 30 фоизгача бўлган қисми Жамғарма маблағлари ҳисобидан бир марта қоплаб берилади.

**2-боб. Талабгорларга муқобил энергия қурилмалари
қийматининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби**

4. Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда харид қилинган муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисми ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича қопланади.

5. Талабгорлар субсидия олиш учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ таркибда тузилган лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман комиссиясига (кейинги ўринларда – Комиссия) мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади.

6. Комиссия беш иш кунида ўрнатилган қурилмани жойига чиққан ҳолда қуйидаги кўрсаткичлар асосида ўрганади:

талабгорлар томонидан ўрнатилган муқобил энергия қурилмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ янги сотиб олинганлигини;

ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларининг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига (паспортига), техник талабларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган тартибда ўрнатилганлиги;

ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларининг лимон етиштириладиган иссиқхонани иситиш учун талаб этиладиган қувватга эгаллиги ва иссиқхона майдонининг қурилма қувватига мувофиқлиги;

иссиқхона лойиҳа параметрларига мувофиқ қурилганлиги;

лимон кўчатларининг экилиш схемасига амал қилинганлиги.

Муқобил энергия қурилмалари мазкур банд талабларига мувофиқ бўлса, Комиссия ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда ижобий хулоса, агар номувофиқ бўлса салбий хулоса беради.

7. Талабгорлар ўрганиш натижаси юзасидан Комиссиянинг ижобий хулосасини олгандан сўнг беш иш кунида Агентликка ёзма ёки электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юримдик шахсининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг суммаси, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисида ариза;

муқобил энергия қурилмаларини сотиб олиш бўйича шартнома нусхаси ва тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

муқобил энергия қурилмаларининг техник паспорти;

Комиссиянинг ижобий хулосаси.

8. Агентлик талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни уч иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Бунда тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ бўлмаса, лойиҳа ташаббускорларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади.

Талабгорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар борлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилингандан сўнг камчиликлар етти иш кунида бартараф қилинмаган тақдирда, ҳужжатлар талабгорларга қайтарилади.

Талабгорлар қайтарилган ҳужжатлар бўйича мавжуд камчиликларни тўлиқ бартараф этгандан сўнг Комиссияга қайта тақдим этиши мумкин.

Талабгорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ Жамғарма кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Кенгашнинг йиғилиши бир ойда камида бир маротаба ўтказилади.

9. Жамғарма кенгаши ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

муқобил энергия қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун маблағлар ажратиш;

муқобил энергия қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун маблағлар ажратишни рад этиш.

Жамғарма кенгашининг қарори хулоса шаклида расмийлаштирилади.

10. Қуйидаги ҳолларда субсидия ажратиш рад этилади:

тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳақиқий ҳолатга тўғри келмаса;

талабгорлар муқобил энергия қурилмаларини имтиёзли шартларда бюджет маблағлари, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар кредитлари ёки бошқа субсидияларни тақдим қилиш шартлари асосида сотиб олган бўлса;

муқобил энергия қурилмаларини сотиб олиш юзасидан шартнома имзоланган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган бўлса;

тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ бўлмаса.

Мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар асосида субсидия ажратиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Жамғарма кенгаши қароридан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

11. Агентлик Жамғарма кенгаши томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида талабгорларни бир иш куни ичида хабардор қилади.

12. Жамғарма кенгашининг қурилмаларни харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун маблағлар ажратиш тўғрисидаги қарори Агентлик ва талабгорлар ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Агентлик ва талабгорлар ўртасида уч иш куни ичида субсидия ажратиш тўғрисида шартнома расмийлаштирилади.

Курилмалар қийматининг 30 фоизгача қисми субсидия сифатида Агентлик томонидан талабгорларнинг аризасида кўрсатилган асосий банк ҳисобварағига бир ой муддатда ўтказилади.

3-боб. Муқобил энергия қурилмаларидан фойдаланиш юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби

17. Талабгорлар муқобил энергия қурилмалари ўрнатилган иссиқхонада уларни беш йил давомида лимон етиштириш ва қурилмаларни соз ҳолатда сақлаган ҳолда фойдаланиши шарт.

Мазкур шарт талабгорлар билан Агентлик ўртасида субсидия ажратиш тўғрисида тузилган шартномада назарда тутилади.

18. Агентлик беш йил мобайнида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган талабларга риоя этилиши юзасидан кўпи билан йилда бир мартаба мониторинг олиб боради.

Мониторинг натижалари юзасидан Агентлик томонидан икки нусхада далолатнома тузилиб, далолатноманинг бир нусхаси Агентликда, иккинчи нусхаси талабгорларда сақланади.

Мониторинг ҳар йили октябрь ойидан келгуси йилнинг апрель ойига қадар ўтказилади.

19. Талабгорлар томонидан ушбу Низом 17-бандининг бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, уч иш кунида Агентлик томонидан ажратилган субсидияни қайтариш ҳақида талабгорларга ёзма хабарнома юборилади.

20. Талабгорлар ушбу хабарномаларни олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияни Агентликнинг шартномада кўрсатилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

Ушбу банд талабларининг бузилиш ҳолатлари аниқланган йилига қараб, субсидияни қайтариш қуйидаги миқдорда белгиланади:

1-йилда – 100 фоиз; 2-йилда – 80 фоиз; 3-йилда – 60 фоиз; 4-йилда – 40 фоиз; 5-йилда – 20 фоиз.

21. Талабгорлар ажратилган субсидияни белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, Агентлик субсидияни суд тартибида ундириш чораларини кўради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Жамғарма томонидан ажратилган субсидиядан мақсадли фойдаланишни ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан белгиланган тартибда назорат қилинади.

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш

СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-боскич	Талабгорлар (Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари)	Субсидия олиш учун Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.	Муқобил энергия қурилмаси ўрнатилган иссиқхона ишга туширилгандан сўнг
2-боскич	Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман комиссияси	Талабгор томонидан ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларининг жойига чиққан ҳолда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ янги сотиб олинганлигини, энергия жиҳатдан самарадорлик даражаси ҳамда белгиланган тартибда ўрнатилганлиги, лимон етиштириладиган иссиқхонани иситиш учун талаб этиладиган қувватга эгаллиги ва иссиқхона майдонининг қурилма қувватига мувофиқлиги, иссиқхона лойиҳа параметрларига мувофиқ қурилганлиги, лимон кўчатларининг экилиш схемасига амал қилинганлигини ўрганади.	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида
3-боскич	Талабгорлар (Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари)	Комиссиянинг ижобий хулосасини олгандан сўнг Агентликка ёзма ёки электрон шаклда ҳужжатларни тақдим қилади (Юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, сўралаётган субсидиянинг суммаси, жойлашган жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисида ариза, муқобил энергия қурилмаларини сотиб олиш тўғрисидаги шартнома нусхаси ва тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, муқобил энергия қурилмасининг техник паспорти).	Комиссиянинг ижобий хулосасини олгандан сўнг 5 кун ичида
4-боскич	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги	1. Тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, Агентлик ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгашининг навбатдаги йиғилишига киритади. 2. Кенгашнинг маблағларини ажратиш ҳақидаги қарорига асосан талабгорларга субсидия ажратиш мақсадида шартнома имзолайди ва талабгорларнинг аризасида кўрсатилган асосий банк ҳисобварағига маблағларни ўтказиши. Рад этилса, бу ҳақда талабгорни хабардор қилади.	Ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Кенгаш қарори қабул қилинган кундан бошлаб 1 ой ичида

5-босқич	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги	Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда шартномада кўрсатилган параметрлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.	Беш йил мобайнида, ҳар йил камида бир мартаба
6-босқич	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги	Мониторинг ва назорат жараёнида шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда, ажратилган субсидияни белгиланган тартибда қайтариш чораларини кўради.	Талабгор субсидияни қайтариш ҳақида хабарнома олган кундан бошлаб 1 ой мобайнида

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман ҳокими, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Туман ҳокими ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи, *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4. Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи
5. Туман молия бўлими бошлиғи
6. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
7. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси
8. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими, *ишчи гуруҳ котиби*

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ туман комиссиясига

“ _____ ” раҳбари
(ташкilot номи)
_____ ТОМОНИДАН
(Ф.И.О.)

АРИЗА

_____ худудида фаолият кўрсатаётган “ _____ ” фермер хўжалиги (МЧЖ) 20__ йил жами __ гектар ер участкасининг __ гектар майдонида _____ усулида _____ сотих ҳажмдаги лимон етиштириладиган иссиқхонага _____ муқобил энергия қурилмаси орқали (кўмир, ўтин, мазут) _____ иситиш қувватига эга бўлган _____ қурилма сотиб олиниб, ўрнатилди.

Муқобил энергия қурилмасини етказиб берувчи “ _____ ” (МЧЖ) билан _____ 20__ й. _____-сон шартнома имзоланган ҳамда шартнома предметидаги ишларни бажарилганлигини тасдиқловчи томонлар ўртасида далолатномалар имзоланди.

1. Муқобил энергия қурилмаси тўғрисида маълумот:

2. Тижорат банки номи: “ _____ ” АТБ _____ филиали ва 22626-махсус ҳисобварағи _____.

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ туман комиссиясининг хулосасини беришингизни сўрайман.

Ушбу муқобил энергия қурилмасидан лимон етиштириш мақсадида камида 5 (беш) йил муддатга мақсадли, самарали ва шикаст етказмаган ҳолда фойдаланишга кафолат бераман.

Тегишли хужжатлар илова қилинади.

“ _____ ” фермер хўжалиги (МЧЖ) раҳбари

_____ (имзо)

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ тумани ҳокими,
туман комиссияси раҳбари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____

**Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ туман комиссиясининг
ХУЛОСАСИ**

_____ туманида лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича _____ туман ишчи гуруҳи “_____” фермер хўжалигининг 20__ йил “__” _____ даги “__”-сон муурожаати ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Қишлоқ хўжалиги ташкилотининг номи: “_____” _____;
2. Иссиқхона ва муқобил энергия қурилмаси тўғрисида маълумот:
 - а) иссиқхона тури: _____, _____ сотих ўлчамли, лимон кўчати нави ва сони: _____ та, экиш схемаси _____, экин майдони _____ га, _____ - контур рақами;
 - б) муқобил энергия тури: _____ иситиш қуввати (ҳажми) _____
2. Муқобил энергия қурилмасини сотувчи номи ва у билан тузилган шартнома: “_____” (МЧЖ) _____ 202__ й. _____-сон шартнома;
3. Тижорат банки номи: “_____” АТБ _____ филиали.

ХУЛОСА:

“_____” фермер хўжалиги томонидан жами _____ гектарда _____, _____ сотих ўлчамли лимон етиштириш учун барпо қилинган иссиқхонада “_____” ишловчи муқобил энергия қурилмаси ўрнатилган ва мазкур қурилма _____ сотих ўлчамдаги иссиқхонани иситиш учун _____ қувватга эга, ушбу қурилмадан камида беш йил мобайнида фойдаланиш шарти билан _____ млн сўм субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Туман комиссияси аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Имзо, мухр	Лавозими
1.			Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
2.			Туман ҳокими ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи
3.			Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4.			Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи
5.			Туман молия бўлими бошлиғи
6.			Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси
7.			Туман қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 17 январдаги 24 -сон қарорига
2-илова

Янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лойиҳа – янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

лойиҳа ташаббускорлари – янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш юзасидан мурожаат қилган ва кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари;

қишлоқ хўжалиги бирлашмаси (кооперация) – аъзолари фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва сотиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боровчи юридик ва жисмоний шахсларни ўз ичига олган ташкилот.

3. Янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир сотих учун 300 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия сифатида қоплаб берилади.

4. Лимонзорларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга мувофиқ қоплаб берилади.

5. Субсидия лойиҳа ташаббускорларига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) қарорига асосан ажратилади.

6. Лойиҳалар субсидиялар ҳисобидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича молиялаштирилади.

7. Субсидия тўловлари янги лимонзорлар барпо қилиш ишлари лойиҳа ташаббускорлари томонидан якунланиб, лимон кўчатлари экилгандан сўнг амалга оширилади.

2-боб. Янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби

8. Лойиҳа ташаббускорлари субсидия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) ёзма ёки электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, (жойлашган жойи, почта манзили), сўраётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

янги лимонзорлар барпо этиш учун ер участкаси мавжудлиги тўғрисида ҳужжатлар нусхаси;

қишлоқ хўжалиги бирлашмасига (кооперацияга) аъзолиги бўйича маълумотнома;

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда янги лимонзорларни барпо этиш лойиҳаси тўғрисида маълумот.

Лойиҳаларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари кўрсатилмаган ҳолатларда лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

9. Агентлик:

лойиҳа ташаббускорлари томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини уч иш куни ичида ўрганиб чиқади;

тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ бўлмаган тақдирда ва бошқа камчиликлар аниқланганда, лойиҳа ташаббускорларини бу ҳақда хабардор қилади;

лойиҳа ташаббускорлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар Агентлик томонидан хабардор қилингандан сўнг етти иш кунида бартараф қилинмаган тақдирда, ҳужжатларни лойиҳа ташаббускорларига қайтаради;

лойиҳа ташаббускорлари қайтарилган ҳужжатлар бўйича кўрсатиб ўтилган камчиликларни тўлиқ бартараф этгандан сўнг ўрганиб чиқиш учун Агентликка қайтадан тақдим этиши мумкин;

лойиҳа ташаббускорларининг субсидия олиш бўйича ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатларини Кенгашга навбатдаги йиғилишда кўриб чиқиш учун киритади.

10. Кенгаш Агентлик томонидан лойиҳа ташаббускорларининг субсидия ажратиш юзасидан киритган ҳужжатларини (таклифларини) кўриб чиқади, субсидиялар ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида тегишли қарорларни қабул қилади ҳамда субсидия ажратиладиган лойиҳа ташаббускорларининг манзилли рўйхатларини тасдиқлайди.

Бунда субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

субсидия олувчи ушбу Низомнинг 8-бандида белгиланган шартларга мос келмаса;

субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда Агентлик томонидан ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари субсидия олувчига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

11. Кенгашнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги ижобий қарорлари субсидия бериш учун асос ҳисобланади.

Кенгаш йиғилиши бир ойда камида бир мартаба ўтказилади.

12. Агентлик:

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида лойиҳа ташаббускорларини уч иш куни ичида хабардор қилади;

Кенгаш томонидан субсидия бериш тўғрисида қабул қилинган қарорлар асосида лойиҳа ташаббускорлари билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради;

ажратилган субсидиядан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, молиялаштиришни тўхтатади ва ажратилган маблағларни ундириш чораларини кўради.

13. Субсидия лойиҳа ташаббускорларига белгиланган тартибда Агентлик қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади.

14. Субсидия лойиҳа ташаббускорларига улар томонидан янги лимонзорларни барпо этиш ишлари яқунланиб, мазкур Низомга 3-илова билан тасдиқланган намунавий таркибдаги Янги лимонзорларни барпо этишга кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссиясининг (кейинги ўринларда – туман ишчи комиссияси) уларни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тасдиқланган далолатномалари Агентликка тақдим этилгандан сўнг бир ой муддатда ажратилади.

15. Янги лимонзорларни фойдаланишга қабул қилиш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

а) лимончилик йўналишидаги лойиҳа ўзига тегишли ер участкасида ва иссиқхона иншоотининг белгиланган тартибга мос равишда қурилганлигини ўрганиш – Кадастр агентлиги туман бўлими, туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман қурилиш бўлими, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши томонидан;

б) иссиқхона иншоотининг сув, электр энергияси ва табиий газ билан таъминланганлигини ўрганиш – туман ирригация бўлими, туман “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва туман “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан;

в) янги лимонзорлар ташкил этиш учун хориждан олиб келинадиган ва маҳаллий етиштирилган кўчатларнинг нав муаллифи гувоҳномаси, фитосанитар сертификати мавжудлиги ҳамда лимон кўчатларининг нави ва сифатини назорат қилиб бориш – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими, тупроқ-иқлим шароитига мослиги, экиш схемасини ўрганиш – туман қишлоқ хўжалиги бўлими, Кадастр агентлиги туман бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши томонидан;

г) янги лимончилик лойиҳасини молиялаштириш манбалари ва ҳисоб-китобларни (бизнес режани) ўрганиш – туман молия бўлими, Агентлик томонидан.

16. Субсидия ажратилиши асосланганлиги ва унинг миқдори туман ишчи комиссияси томонидан тасдиқланган далолатномадаги лойиҳа кўрсаткичлари асосида берилади.

Туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари тасдиқланган далолатномаларнинг ҳаққонийлигига масъул ҳисобланади.

17. Субсидия лойиҳа ташаббускорларининг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626 ҳисобварақларига (ташкilotларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Лойиҳа ташаббускорларининг янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан назорат қилинади.

19. Субсидия ажратилган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг реестрини юритиш ва уларнинг фаолияти мониторингини олиб бориш Агентлик томонидан амалга оширилади.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш
билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш
агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси субсидиялари ҳисобидан
янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Лойиҳа ташаббускори (Қишлоқ хўжалиги ташиқлотлари)	1. Субсидия олиш учун зарур хужжатларни тайёрлайди. 2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) хужжатларни ёзма ёки электрон шаклда белгиланган тартибда тақдим қилади.	Ташаббус кўрсатиш тартибида
2-босқич	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги	Лойиҳа ташаббускорлари томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинадиган хужжатларнинг қўйилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва уларнинг субсидия олиш бўйича талабларга мувофиқ бўлган хужжатларини тегишлилигича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгашига (кейинги ўринларда – Кенгаш) навбатдаги йиғилишларда кўриб чиқиш учун киритади.	3 иш куни ичида
3-босқич	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси Кенгаши	Агентлик томонидан лойиҳа ташаббускорларининг субсидия ажратиш юзасидан киритилган хужжатларини (таклифларини) кўриб чиқади ва тегишли қарорларни қабул қилади, шунингдек, субсидия ажратиладиган лойиҳа ташаббускорларининг манзилли рўйхатини тасдиқлайди.	Бир ойда

4-босқич	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги	<p>Лойиҳа ташаббускорларини Кенгаш томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади ва Кенгаш томонидан субсидия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор асосида лойиҳа ташаббускорлари билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради.</p>	3 иш куни ичида
5-босқич	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги	<p>Субсидияни лойиҳа ташаббускорларига улар томонидан янги лимончилик лойиҳаларини барпо этиш ишлари якунланиб, туман ишчи комиссияси томонидан тасдиқланган далолатномалар тақдим этилгандан сўнг ажратади.</p> <p>Субсидия ажратиш тўғрисида шартнома шартлари бажарилгандан сўнг субсидияни лойиҳа ташаббускорининг тижорат банкида очилган махсус 22626 ҳисобварағига ўтказади.</p>	Туман ишчи комиссияси томонидан тасдиқланган далолатномалар тақдим этилгандан сўнг бир ой муддатда

Янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Янги лимонзорлар ташкил этиш лойиҳаси тўғрисида МАЪЛУМОТ

1. Лойиҳа ташаббускори _____
2. Янги лимонзорнинг умумий майдони ___ га (лимон нави, кўчат сони, экиш схемаси, экин майдони).
3. Томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган майдон _____ га.
4. Лойиҳа амалга ошириладиган жойнинг манзили _____.
5. Лойиҳани амалга ошириш муддати _____.
6. Яратиладиган иш ўрни ___ киши.
7. Лойиҳанинг умумий қиймати - _____ млн сўм ёки _____ АҚШ доллари, шундан:

Амалга ошириладиган ишлар	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм	Молиялаштириш манбалари, млн сўм		
		Лойиҳа ташаббускорларнинг маблағлари	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси субсидиялари	Тижорат банклари кредитлари, бошқа манбалар ҳисобига
Иссиқхона иншоотини қуриш харажатлари				
Агротехник тадбирлар (ер ҳайдаш, чизеллаш, ерни текислаш ва бошқа ишлар)				
Тупроққа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
Лимон кўчатларини харид қилиш ва экиш				
Сув чиқариш учун қудуқлар ва насос станцияси қуриш				
Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш				
Бошқа харажатлар				
ЖАМИ:				

Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб, биз янги лимонзорни ташкил этиш бўйича лойиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.

Ташкилот раҳбари _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Янги лимонзорлар барпо этишга кўмаклашиш бўйича
туман ишчи комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман ҳокими, *туман ишчи комиссияси раҳбари*
2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *туман ишчи комиссияси раҳбари ўринбосари*
3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги вакили
4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
5. Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи
6. Туман молия бўлими бошлиғи
7. Туман қурилиш бўлими бошлиғи
8. Туман ирригация бўлими бошлиғи
9. “Ҳудудгазтаъминот” МЧЖнинг туман филиали раҳбари
10. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг туман филиали раҳбари
11. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси
12. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, *туман ишчи комиссиясининг котиби*

